

**Б.Б.БЕРКИНОВ  
У.Қ.АХМЕДОВ**

# **УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ОИЛА ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**



**ТОШКЕНТ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ (ТДИУ)**

**ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ИҚТИСОДИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ (ИИТМ)**

**Б.Б.БЕРКИНОВ,  
У.Қ.АХМЕДОВ**

**УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ  
РИВОЖЛАНИШИ ВА ОИЛА  
ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**ТОШКЕНТ – 2013**

**УЎК: 330.567.28**

**КБК 39.34**

**Б-28**

**Б-28                    Б.Б.Беркинов, У.Қ.Ахмедов. Уй хўжаликлари ривожланиши ва оила даромадларини ошириш истиқболлари. –Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 144 бет.**

**ISBN 978–9943–10–896–7**

Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликлари турлари, унинг оила билан функционал боғлиқлиги, уй хўжалигининг инсон капиталини ривожлантиришдаги ижтимоий - иқтисодий функциялари ва уларни амалга оширишнинг услубий жиҳатлари асосланган.

Шунингдек, оила турмуш даражасининг асоси сифатида уй хўжаликлари даромадларининг ўзгариш тенденцияси баҳоланган ҳамда молиявий ресурслар айланмасида улар жамғармалари аҳамияти тадқиқ этилган. Уй хўжаликларининг истиқболда ривожланиши ва оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтириш йўллари кўрсатиб берилган.

Бошқарув органлари раҳбар ва мутахассислари, илмий ходимлар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари, катта илмий ходим – изланувчилар ҳамда магистрантларга мўлжалланган.

***Тақризчилар:***

**Н.С.Хушматов** – иқтисод фанлари доктори, профессор;

**Ф.Т.Эгамбердиев** – иқтисод фанлари доктори, профессор

***Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий кенгаши қарори билан чоп этишга тавсия этилган.***

**ISBN 978–9943–10–896–7**

**© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.**

---

---

## КИРИШ

Бозор шароитида уй хўжаликлари иқтисодиётнинг алоҳида сектори сифатида қаралади ва улар миллий иқтисодиёт тизимида муҳим ўрин эгаллайди. «Уй хўжалиги» атамаси, унинг ҳозирги талқинида мамлакатимиз иқтисодий адабиётлари ва статистикасида ўтган асрнинг 90-йиллари бошида, миллий ҳисобчилик тизими киритилгандан сўнг пайдо бўлди.

Уй хўжаликлари ўзига хос ижтимоий, иқтисодий, молиявий ва бошқа функцияларни бажариб, давлат ва жамият ривожига катта таъсир кўрсатади. У меҳнат ресурсларини шакллантиришнинг манбаси ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда асосий омил ҳисобланади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, уй хўжаликлари ривожига шарт-шароитлар яратиш, уни қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Таҳлиллар шунинг кўрсатадики, Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида аҳоли уй хўжаликлари ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизими шаклланди. Уларга мувофиқ уй хўжаликларига қўшимча ер участкалари ажратиш, кам таъминланган оилаларга чорва моллари бериш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёш оилаларга уй-жойлар бериш йўлга қўйилган. Натижада мамлакат бўйича уй хўжаликлари сони ҳамда даромадлари кескин кўпайди, айниқса, уларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланиши жадаллашди. Шуларга қарамай, уй хўжаликларининг ривожланиши, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш фаолияти, уларнинг бозор муносабатларида иштирок этиш кўламлари мамлакатни модернизациялаш, барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш талабларидан ортда қолмоқда. Ҳозиргача уй хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий функциялари ҳамда ривожланиш қонуниятлари тўғрисида тизимлаштирилган билимлар етишмаслиги, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи, қўллаб-қувватловчи ҳамда рағбатлантирувчи расмий ва норасмий институтлар етарли даражада ривожланмаганлиги кутилган натижаларга тўлиқ

эришишга тўсиқ бўлаётган сабаблардан саналади.

Уй хўжаликларининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс катта бўлишига қарамай, уларни бошқариш вазифалари фақат макроиқтисодий ёндашув усуллари негизида статистик кузатув асосида амалга оширилади. Алоҳида тоифага кирувчи уй хўжалиги ёки уларнинг гуруҳи микродаражада даромадлар ёки умумий самарадорлик нуқтаи назаридан деярли ўрганилмаган. Уларнинг қандай фаолият юритиши, ривожланиши, талаблари ва тадбиркорлик фаолияти муаммоларини ўрганиш усуллари ишлаб чиқилмаган.

Мамлакатимизда 2012 йил «Мустаҳкам оила йили»<sup>1</sup>, 2013 йил эса «Обод турмуш йили»<sup>2</sup> деб эълон қилиниши, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижавийлигини янги поғонага кўтаришда катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан уй хўжалиги ва оила мустаҳкамлигига, унинг ободлиги ва фаровонлигига бевосита таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш, улар ўзгариши қонуниятларини билиш, оилалар ривожланишини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимиз ҳудудларини янада ривожлантиришга уй хўжаликларининг мавжуд салоҳиятини жалб этиш йўллари белгилашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Уй хўжалигида оила унинг асосини ташкил этади ва оила бутун жамиятнинг ишчи кучларини такрор ишлаб чиқаради ва жамиятда яратилган барча маҳсулотларнинг пировард натижада истеъмолчиси ҳам шу оила ҳисобланади ва оила бутун жамиятни биологик, ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида ҳаётийлигини таъминлайди. Шуларни ҳисобга олганда уй хўжаликлари ривожланишининг илмий асосларини, рағбатлантирувчи механизмларини такомиллаштириш ва ривожлантириш Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини оширишда янги истиқболларини очиб беришга кўмаклашади.

Юқорида баён этилган ҳолатларни ҳисобга олиб ушбу монография бобларида уй хўжаликлари фаолияти ва улар ривожланишининг илмий-назарий асослари тизимлаштирилган, уй хўжаликларининг мамлакат иқтисодиётидаги роли, аҳамияти ва

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. // Халқ сўзи. 2012 йил, январь.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Халқ сўзи. 2013 йил, 19 январь.

уларни истиқболда ривожланиш тенденциялари, даромадлари ва харажатлари таркиби баҳоланган, уй хўжалигини ишлаб чиқариш ва оила тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш институтлари ва механизмларини такомиллаштириш, қишлоқ аҳолиси уй хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва даромадларини кўпайтириш йўлларини асослаш бўйича таклиф ва тавсиялар асосланган.

---

---

## **I боб. УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Уй хўжалиги турлари ва унинг оила билан функционал боғлиқлиги**

Ҳозирги вақтда уй хўжаликлари фаолиятининг муаммоларига эътиборнинг ортганлиги кузатилмоқда. Бу ҳол, авваламбор, уй хўжаликларининг миллий иқтисодиёт ўсишига қўшаётган ҳиссаси ошаётгани билан боғлиқдир. Бу уй хўжалиги тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини, унинг белгилари ва таркибий-функционал хусусиятлари, ривожланиш омилларини чуқурроқ билишни талаб қилади.

Ҳозирги «уй хўжалиги» тушунчаси кенг маънода ўта мураккаб, кўп қиррали ва кўп жиҳатли бўлиб, унинг энг умумий маъносига ҳам, унинг турли илмий манбаларда фойдаланиладиган муайян талқинларига ҳам аниқликлар киритиш талаб этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, уй хўжалиги жамият ҳаётининг барча соҳалари билан боғлиқ бўлиб, уни социология, демография, статистика, психология ва бошқа ижтимоий фанларнинг вакиллари ўрганadi. Ушбу фанларнинг ҳар бири уй хўжалиги фаолиятининг у ёки бу жиҳатларини тадқиқ этади. Уй хўжалигининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ муаммоларнинг мажмуавий хусусиятга эга эканлиги унинг фаолият кўрсатишининг турли жиҳатларини ёритувчи кўп йўналишларининг мавжудлигидан далолат беради.

Иқтисодий категория сифатида уй хўжаликлари фаолият юритиши ва ривожланишининг илмий-методологик муаммолари мамлакатимиз ва чет эл олимлари томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда макродаражада уй хўжаликлари миллий ҳисоблар тизими доирасида иқтисодиётнинг алоҳида секторини ташкил этувчи статистик бирлик (ташкилот) сифатида М.Шариф-хўжаев, А.Ваҳобов, Х.Набиев, Б.Маҳмудов, Ё.Файзуллаев, Б.К.Ғойибназаров ва бошқалар [32,57,71,76,117] томонидан ўрганилган. Микродаражада уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш (деҳқон хўжаликлари) ва молиявий функциялари ҳамда оила тадбиркорлигини ташкил этиш ва ривожлантириш муаммолари

А.Абдусаматов, Х.Аралов, Я.Алиев, У.Мухамбетова, А.Мухторов, Р.Саидов, Р.Султонов, Н.Хушматов, Р.Хусанов, М.Қосимов, Ш.Газиев ва бошқаларнинг [43, 73, 74, 80, 84, 86, 87, 104, 105] илмий ишларида таҳлил қилинган.

Хорижий тадқиқотчилардан Г.Беккер, Р.Барр, И.Баскакова, В.Жеребин, А.Олейник, Т.Лаврова, Е.В.Куликова, В.Д.Камаев, Е.В.Колдеева ва бошқалар [35, 36, 45, 47, 49, 52, 53, 63, 93] иқтисодий категория (бирлик) сифатида уй хўжаликлари фаолияти муаммоларини таҳлил қилишган.

Уй хўжалиги ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар ривожланиши муаммолари россиялик олимлардан В. Милосердов, А.Олейник, А.В.Чаянов, Г.И.Шмелев, В.Копач, В.Казарезов, А.Расказов ва бошқаларнинг [46, 50, 58, 63, 75, 77, 111] илмий ишларида ўз ифодасини топган. Оила даромади ва харажатлари, бюджети ва уларда уй хўжаликларининг ўрни ва роли масалаларига В.Жеребин, Е.Петухова, Е.В.Куликова, С.Р.Левит ва бошқаларнинг [45, 52, 64] илмий ишлари бағишланган. Уй хўжаликларини институционал ёндашув нуқтаи назаридан тадқиқ этиш муаммоларига Т.Веблен, Дж. Гэлбрейт, Д.Норт ва бошқа хорижий тадқиқотчилар [42, 44, 60] илмий ишларига бағишланган.

Ушбу илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, уй хўжалиги тушунчасига ҳозиргача ягона таъриф берилмаган. Муаллифлар уй хўжалиги моҳиятининг турли дастлабки тушунчалари ва унинг функцияларини бош асос қилиб олган ҳолда, ўз таърифларини берганлар. Бироқ турли вақтларда, шароитларда ва турли вазифаларни ҳал этишда улар турли маънога ва турлича талқинга эга бўлган (1.1-жадвал). Уй хўжалиги тушунчасининг аниқ ижтимоий-иқтисодий ва таркибий-функционал таърифи мавжуд эмаслиги, уни тадқиқ этишни ягона бир ёндашувини шакллантиришдаги тўсиқлардан бири ҳисобланади.

Тор маънода «уй хўжалиги» тушунчаси оила аъзоларига маиший хизмат кўрсатиш, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш, уйда натура ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш каби хўжалик юритиш бўйича анъанавий уй ишлари йиғиндисини ўз ичига олади. Ҳозирги «уй хўжалиги» тушунчаси кенг маънода ўта мураккаб, кўп қиррали ва кўп жиҳатли бўлиб, «индивид» ва «оила» тушунчалари билан тавсифланувчи, лекин айти пайтда унга ўхшаш бўлмаган (чунки у бир индивиддан ҳам, бир неча оила аъзоларидан ҳам таркиб топиши мумкин) иқтисодий кичик тизим сифатида кўриб чиқилади.



**«Уй хўжалиги» тушунчасининг таърифлари**

*1.1-жадвал*

| <b>Муаллифлар</b>                   | <b>Таъриф</b>  |
|-------------------------------------|--|
| С.Р.Макконелл<br>С.Д.Брю [55]       | Уй хўжалиги – бир ёки ундан кўп шахсдан таркиб топган, иқтисодий ресурслар билан таъминловчи ва ушбу ресурслар учун олинган пулни инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондирувчи товар ва хизматларни сотиб олиш учун сарфловчи иқтисодий бирлик   |
| А.Н.Олейник<br>[63]                 | Уй хўжалиги – инсон капитални такрор барпо этишнинг умумий вазифалари, яшаш жойи, бюджет ва оила-қариндошлик алоқалари билан бирлашган инсонлар гуруҳи. Уй хўжалигининг асосида ҳокимият муносабатлари ётади – биргаликдаги иқтисодий фаолият устидан назорат қилиш ҳуқуқлари оила аъзоларидан бирига, яъни оила бошлиғига топширилади                         |
| М.Винтер,<br>У.Моррис [98]          | Уй хўжалиги – инсон капитални такрор барпо этишнинг умумий вазифалари, яшаш жойи, бюджет ва одатда оила-қариндошлик алоқалари билан бирлашган инсонлар гуруҳи  |
| Н.И.Бойчук,<br>Е.С.Корнеева<br>[96] | Уй хўжалиги – бир ёки ундан кўп шахсдан таркиб топган, иқтисодий ресурслар билан таъминловчи ва ушбу ресурслар учун олинган даромадларни инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондирадиган товар ва хизматларни харид қилиш учун сарфловчи иқтисодий бирлик   |
| О.В.Мироненко<br>[59]               | Ижтимоий-меҳнат муносабатларининг субъекти сифатида уй хўжалиги – умумий бюджет ва яшаш жойи билан бирлашган, ҳар қайсиси ишлаб чиқариш омили сифатида меҳнат таъминотчиси бўлгани ҳолда бандлик мақомига эга бўлган, шунингдек, ҳам табиий, ҳам товар хусусиятига эга бўлиши мумкин бўлган иқтисодий фаолиятда иштирок этувчи бир ёки бир неча шахслар гуруҳи |
| М.А.Аҳмедова<br>[34]                | Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжалиги ресурслар, маҳсулотлар ва хизматларни харид қилиш ва сотиш тўғрисида мустақил қарор қабул қилувчи, ўз эҳтиёжларини имкон қадар қондиришга интилувчи бозор муносабатларининг агентини ўзида намоён этади  |
| С.Ю.Барсукова<br>[91]               | «Уй хўжалиги» тушунчаси бир уйда яшовчи ва биргаликда хўжалик юритувчи шахслар гуруҳига тааллуқли бўлиб, бу неъматларни биргаликда ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда намоён бўлади. Уй хўжалигидан фарқли равишда оила қариндошлик тушунчасига асосланади, лекин ягона оилага бирлашиш   |

|                     |   |
|---------------------|---|
|                     | учун етарли бўлган қариндошлик даражаси тарихий ва маданий контекстга боғлиқ  |
| Г.П.Журавлева [110] | Уй хўжалиги – иқтисодиётнинг истеъмол соҳасида фаолият юритувчи, бир ёки бир неча шахсдан таркиб топиши мумкин бўлган иқтисодий бирлик. У «инсон капитали»нинг барпо бўлиши ва такрор барпо бўлишини таъминлайди, мустақил равишда қарорлар қабул қилади, бозор иқтисодиётида қандайдир ишлаб чиқариш омилининг эгаси ва етказиб берувчиси ҳисобланади, шахсий эҳтиёжларини имкон қадар қондиришга (фойдани оширишга эмас) интилади |
| Л.Ф.Орлов [108]     | Уй хўжалиги – бу мамлакат иқтисодиётидаги жисмоний шахслар бўлиб, бунда улар бир нафар шахсдан ҳам, умумий бюджет билан бирлашган шахслар гуруҳидан ҳам таркиб топиши мумкин (қариндошлар бўлиши шарт эмас). «Уй хўжалиги» тушунчасига фаолиятини юридик жиҳатдан ҳам, иқтисодий нуқтаи назардан ҳам ўз мулкдорларининг фаолиятдан ажратиб бўлмайдиган уй хўжаликларининг ноқорпоратив корхоналари ҳам киради                       |
| Е.А.Мазная [54]     | Уй хўжалиги – бу индивид билан жамият ўртасидаги, шунингдек, ўз бюджетини бирлаштирувчи ва биргаликда қарорлар қабул қилувчи, инсон томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш ҳамда ўз ҳаёти ва фаолиятининг шароитларини такрор яратиш мақсадида барпо этиладиган иқтисодий муносабатлар тизими   |

Манба: Илмий манбалар таҳлили асосида муаллифлар томонидан тузилган

«Уй хўжалиги» тушунчасининг юқоридаги таърифларда изоҳланиши ушбу категория ижтимоий-иқтисодий моҳиятининг аста-секин вужудга келиши ва шаклланишининг мантиғини акс эттиради.

Кўпинча уй хўжаликлари оиланинг иқтисодий, ижтимоий-демографик ва статистик белгиланиши сифатида кўриб чиқилади. Оила анъанавий тарзда никоҳ-қариндошлик муносабатлари, биргаликда ҳаёт кечириш, умумий бюджет ва биргаликда хўжалик юритиш белгилари билан таърифланади. Қариндошлик белгиси, оилани таърифлаш учун шарт ҳисобланса-да, лекин у ҳамма вақт ҳам иштирок этмайди, чунки оила таркибига ҳам туғишган, ҳам асраб олинган фарзандлар кириши мумкин.

Шунингдек, хусусан, турмуш ўртоғининг бошқа қариндошлари ҳам бир оила аъзолари бўлиши мумкин. Оила хўжалик нуқтаи



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/30> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/30> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/30>